

Ўзбекистон Президенти ХХР ҳудудлари билан амалий ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 март куни Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Шинжон-Уйғур автоном райони Партқўми котиби Ма Синжуй бошчилигидаги ХХР делегацияси билан ўтказган учрашувда Ўзбекистон ҳудудлари ва ШУАР ўртасидаги ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ҳудудларида Хитойнинг етакчи компаниялари иштирокида қайта тикланувчи энергетика, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, саноат парклари ва қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этиш соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари эътибор марказида бўлди.

Учрашув аввалида Ма Синжуй ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини ҳамда Хитой раҳбари лавозимига қайта сайлангани муносабати билан йўлланган самимий табриклар учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда ўтган йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтган ва Ўзбекистон-Хитой ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларида янги даврни бошлаб берган тарихий саммитнинг сермахсул натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

“Ўзбекистон – Қирғизистон - Хитой” темир йўлини қуриш лойиҳасини жадаллаштиришда икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Тошкент, Самарқанд ва бошқа вилоятларимизнинг Шинжон-Уйғур автоном райони билан, шу жумладан савдо, логистика, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, туризм ва таълим соҳаларида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш учун кенг имкониятлар мавжудлиги айtilди.

Давлатимиз раҳбари ўзаро мулоқот ва алмашинувни фаоллаштириш, ташриф ва бизнес

форумларини ташкил этиш, устувор лойиҳа ва дастурларни илгари суриш бўйича алоҳида “йўл харитаси”ни қабул қилиш юзасидан топшириқлар берди.



Манба